

**«ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY  
UNIVERSITETI  
XORIJIY FILOLOGIYA FAKULTETI**



**ЗАМОНАВИЙ ФИЛОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТИДА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ**

Халқаро илмий конференцияси

15-17 ноябрь 2019 йил

Тошкент - 2019

Ушбу тўпламга «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамияти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Хорижий филология факультети Француз филология кафедраси томонидан ўтказилган **«Замонавий филология тараққиётида инновацияларнинг роли»** мавзуидаги Халқароилмий конференция қатнашчилари, республика ва хорижий олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари ва тадқиқотчиларининг замонавий тилшунослик, таржимашунослик, адабиётшуносликва чет тили ўқитиши методикасининг долзарб муаммоларихамда назарий ва амалий жиҳатларига бағишлиланган илмий мақолалари киритилган.

Маъсул муҳаррирлар:

:

ф.ф.д., профессор Р.Х. Ширинова  
ф.ф.д., профессор А.Э.Маматов  
ф.ф.д., проф. Сайфуллаев Р.А  
ф.ф.н., доцент И.А. Джураева  
PhD, доцент Д.И. Джабарова  
PhD, Г.С.Курбонова

Таҳририят аъзолари:

ф.ф.д., профессор А.Э.Маматов  
PhD, доцент Д.И. Джабарова  
Ф.ф.н., доцент Н.М.Ўрмонова  
Ф.ф.н., доцент С.С.Исматов  
Катта ўқитувчи Ф.М.Иногамова  
Катта ўқитувчи З.М.Яхёева

Тақризчилар:

ф.ф.д., профессор Ж.Ёқубов  
ф.ф.н. В.Маматкасимова

Дизайнер:

Н.Р.Иногамова

**ОБЩЕСТВО ДРУЖБЫ «УЗБЕКИСТАН - ФРАНЦИЯ»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО  
УЛУГБЕКА**

**ФАКУЛЬТЕТ ЗАРУБЕЖНОЙ ФИЛОЛОГИИ**



**КАФЕДРА ФРАНЦУЗСКОЙ ФИЛОЛОГИИ**

**РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОЙ ФИЛОЛОГИИ**

**Материалы  
Международной научной конференции**

**15-17 ноября 2019 года**

**Ташкент - 2019**

Сборник материалов Международной научной конференции «Роль инноваций в развитии современной филологии» включает в себя выступления отечественных и зарубежных профессоров, преподавателей, молодых исследователей по актуальным проблемам лингвистики, литературоведения, методики преподавания, переводоведения.

Ответственные редакторы:

д.ф.д.,профессор Р.Х. Ширинова  
д.ф.д.,профессор А.Э.Маматов  
д.ф..н.. проф. Сайфуллаев Р.А.  
к.ф.н., доцент И.А. Джураева  
PhD, доцент Д.И. Джафарова  
PhD, Г.С.Қурбонова

Редакторы:

д.ф.н.,профессор А.Э.Маматов  
PhD, доцент Д.И. Джафарова  
к.ф.н.,доцент Н.М.Ўрмонова  
к.ф.н., доцент С.С.Исматов  
старший преподаватель Ф.М.Иногамова  
старший преподаватель З.М.Яхёева

Рецензенты

д.ф.н.,профессор Ж.Якубов  
к.ф.н. В.Маматкасымова

Дизайнер:

Н.Р.Иногамова

**ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА АЁЛЛАР МАВҚЕИ, УЛАРНИНГ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИБОРА  
ВА МАҚОЛ ХУСУСИДА**

Тешабоева З.Қ.-ЎзДЖТУ

*Маълумки тарихий асарларда аёлларнинг ижобий ва салбий образлари яхши тасвириланган. Лекин шунга қарамай, турмушида рўй берадиган барча яхшилик ва ёмонлик ҳам фақат ҳаётни давом эттириши учун яхшилика ибрат бўлиб хизмат қилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг оналари Эсан Давлат бегим, Кутлуг Нигор хоним, опаси Хонзода бегимнинг фаолиятлари, улар кўрсатган мардонавор ҳатти-ҳаракатлар тарихда ёзилиб қолган. Темурий маликалар Сарой Мулк хоним, Гавҳар Шод бегим, Хадича бегим, Хонзода бегим, Гулбадан бегим ва Зебунисо бегимларнинг ҳаёт йўллари ўта мураккаб бўлганки, улар қаторида тарихда ўзининг жасоратлари билан из қолдирган. Шу билан бир қаторда ушибу мақолада Эсан Давлат бегим, Сарой Мулк хоним, Зебунисо бегим ва олмон шарқшуноси Аннамария Шиммеллар ҳақида фикр юритилган. Тарихий манбалардаги аёлларнинг ижодий фаолияти ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Баъзи ибора ва мақоллар уларнинг номи билан боғлиқлиги ва таржима хусусиятларига ҳам бироз тўхтаган. Эсан Давлат бегим, Сарой Мулк хоним, Зебунисо бегим ва олмон шарқшуноси Аннамария Шиммелларнинг аёл сифатида ҳаётдаги тутган ўрни белгиланган.*

Филология фанлари номзоди, доцент Абдуазим Содиковнинг маърузаларини вужудим қулоққа айланиб тинглаганимда Вильгельм фон Гумбольдтнинг «Женщины ближе к человеческому идеалу» деган гапини кўп қайтарардилар. Устозимнинг нутқидаги аёлларни улуғлаши менга мотивация берарди. Бу мотивация тадқиқотларим давомида аёлларнинг фан тараққиётига кўшган ҳиссалари, уларнинг фаолиятини чуқурроқ ўрганишга унdagанди. Ҳимоя жараённида устоз Азиз Қаюмовнинг «Нодирадек мардан аёллардан Европа шоирлари орасида борми? Шу ҳақида нима биласиз?», деган саволлари ҳали ҳали қулогим остида жаранглайди.

Кейинчалик устознинг аёл борасидаги айтганларига таяниб, фикрни жамлаш, бир тизимга солиб, мақола ёзишга туртки бўлди. Тарихий асарларни фразеологик бирликлар, мақол ва маталларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Азал азалдан тараққий этиб келган ва миллат менталитетига сингиб кетган иборалар, адабиётимизнинг хазинасига айланган. Шу билан бирга тарихий асарларда аёлларга қанчалик

эътибор қилинган ва улар нималар билан машғул бўлган, деган тушунча ётарди. Ҳар қандай мухит ва шароитга қарамай, олима аёллар фоний дунёда турмок ва ўзидан ниманидир жамиятга қолдириш мақсад ва илинжида яшаганлари маълум.

Аёллар ҳақида сўз боргандা Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг катта онаси Эсан Давлатбегимнинг давлат аёнлари билан бўлган фаолияти «Бобурнома»да муаллиф томонидан таърифланиши кўз олдимга келади. У аслиятда шундай эди: «Хожа Қози ва Қосим қавчин ва Али Дўст тагойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзан давлатхоҳлар менинг улуг онам Эсан Далатбегимнинг қошида йигилиб **сўзни бу ерга қўйдиларким**, Ҳасан Яъкубни маъзул қилиб, фитнасига таскин берилгай. Хотунлар орасида раъи ва тадбирда, менинг улуг онам Эсан Давлатбегимча кам бўлгай эди, бисёр оқила ва мудабира эди. Кўпроқ иши-куч аларнинг машварати била бўлур эди» [4; 47].

Сўзни бир ерга қўйиши мақсади, ким атрофида йигилиш, сарой аёнлари, ҳатто эр кишилар сўзини икки қилмайдиган зот атрофида тўпланиши, Бобурнинг катта онасининг ақл идрокини **сўзни бу ерга қўймоқ**, яъни қарор қилмоқ орқали етказиб берганлиги мухим аҳамият эга. Яна аёллар орасида Эсан Давлатбегимча кам бўлгай эди, деб таъкидлайди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Мазкур парчани инглиз таржимони Жон Лейден қуйидагича ўтирган:

*In the consequence of this, Khwajeh Kazi, Kasim Kochin, Ali Dost Taghai, Uzun Hasaan, and several others who were attached to my interests, having met at my grandmother Isan-doulet Begum's, came to the resolution of dismissing Hasaan Yakub, and in that way of putting an end to his treasonable views [J.Leyden P. 27, 1826].*

– Натижада Хожа Қози, Қосим Қавчин, Али Дўст тагойи ва бошқа бир қатор одамлар менинг бувим Эсан Далатбегим билан учрашиб, Ҳасан Яъкубни ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Унинг хиёнаткор қарашларига чек қўйишнинг бирдан бир усули бу эди.

Аслиятдаги ажратиб ёзилган **сўзни бу ерга қўймоқ** Ж.Лейден таржимасида қарор қабул қилмоқ орқали акс этганлигини кўрамиз.

Аслият матни Хожа Қози ва Қосим қавчин ва Али Дўст тагойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзан давлатхоҳлар менинг улуг онам Эсан

Далатбегимнинг қошида йигилиб *сўзни бу ерга қўйдиларким*, Ҳасан Яъқубни мавзул қилиб, фитнасига таскин берилгай. Хотунлар орасида раъй ва тадбирда, менинг улуг онам Эсан Давлатбекимча кам бўлгай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иши-куч аларнинг машварати била бўлур эди яна инглиз таржимони В.Текстонда қуйидагича берилган:

*Khwaja Qazi, Qasim Qauchin, Ali Dost Taghayi, Uzun Hasan, and some of my other supporters met with my grandmother Esan Dawlat Begim and decided to depose Hasan Ya'qub and put down the conspiracy. (For tactics and strategy, there were few women like my grandmother, Esan Dawlat Begim. She was intelligent and a good planner. Most affairs were settled with counsel.)* [Wh. Thackston, P. 29].

– Хожа Қози, Қосим Қавчин, Али Дўст тагойи ва бошқа бир неча тарфдорларим бувим Эсан Давлатбеким билан учрашиб, Ҳасан Яъқубни ишдан бўшатишга ва фитнага чек қўйишга қарор қилишди. Тактика ва стратегияларни қўллашда менинг бувим Эсан Давлатбеким сингари аёллар кам эди. У ақлли ва ишни яхши режалаштирувчи шахс эди. Кўпгина ишлар унинг маслаҳати билан ҳал қилинار эди.

Таржимада В.Текстон ҳам аслият маҳсали *сўзни бу ерга қўймоқни қарор қилмоқ* тарзида берган. Тарихий асарларнинг таржимасига ҳар бир таржимон жиддий ёндашган ва баҳоли қудрат аслият мазмунини очиб беришга ҳаракат қилган. Тадқиқот мавзуси бевосита фразеологик бирликлар билан алоқадор бўлганлиги туфайли аслиятнинг қайси жойида ибора қўлланганлиги эътиборимизни тортган эди. Лекин бу ерда мақола мақсади бошқа. Фанда гендер масаласи, аёл ҳақидаги тушунчаларни бирлаштириш, хусусиятларни қиёлаш ва улуғлашдан иборатdir.

Машхур олмон исломшуноси ва шарқшунос, филология фанлари доктори, Аннамарие Брититта Шиммел Ислом дини ва шарқ сўфизмининг Европадаги энг етук мутахассисларидан биридир. Америка, Хиндистон, Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги олимлар Шиммел хонимнинг номини жуда яхши билади. «Буюк мўғуллар империяси» (истисно ўрнида ... китоб «Буюк мўғуллар империяси» деб аталган), «Жонон менинг жонимда» (Йўлдош Парда таржимаси 1999) асарлар муаллифи бўлган.

У ўзининг китобида темурийлар авлоди ва темурий маликалар, қолаверса аёллар ҳақидаги ноёб хислатларни етарлича тилга олган. Фозила ва олима аёл сифатида Аннамария Шиммелни «маданиятлараро энг яхши

мулоқотни йўлга қўйган фан арбоби, маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйишда шу маданиятларни ўзи яхши билган, бошқаларга ўргатадиган ва бошқаларнинг маънавияти, қадриятларини яхши англаган, бутун умри давомида тўплаган билимларини шогирдларига улашадиган, миллатлараро ишонч кўпригини курадиган олийжаноб шахс» деб Германия давлати тан олган.

Аннамария Шиммел “The Lady is my soul” – «Жонон менинг жонимда» деб номланган китобининг кириш сўзини қуйидаги эпиграф билан бошлади: «Рутсимон, Наомий богочисимон Жоним бир аёлдир қаршингда сенинг!».

У ўзининг ушбу китобида аёллар ҳақида шундай ёзади: Ибн Арабий сўфийлик йўналишида 15 та кишига «хирқа», яни сўфийлар кийимини кийдирган бўлса, шулардан ўн тўрттаси хотин-қизлар бўлган, чунки худди мавлоно Жомий таъкидлаб ўтганидек, маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида аёлларнинг юксак, даражаларга эришишлари мумкинлигига олимнинг имони комил бўлган. Аёллар авлиёлик пиллапоясининг энг юқори поғонаси бўлмиш «кутб» ёки «ўзак» даражаларига ҳам эришишлари мумкин эди. Ибн Арабий умрининг охиригача аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, уларга ўзининг амру-маъруфлари хамда маърузаларида иштирок этишга рухсат бериб, уларга мураббийлик қилган [1; 58]. Шиммел ўзи аёл бўла туриб ўз жинсини улуғлаш эмас балки, Роҳибларнинг аёлларга бўлган ҳурмат-эҳтиромини воқеалар билан китобида тасвиrlаган. Аннамария Шиммелнинг ўлимидан сўнг босилиб чиқсан «Буюк мўғуллар империяси» китоби эса интернет сайтларидан бирида беш юлдузли маълумотлар манбай сифатида қайта қайта ўқилиб туриши фикрнинг далилидир.

Аёллардаги хислат ва ривоятлар, тарихда мақол каби шаклланиб, авлоддан авлодга етиб келганки, айнан ўша мақолнинг этимологик нуқтаи назарини ҳам ўрганишга тўғри келади. Шу хусусда Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси» китобидан парча келтирамиз:

«Нақл қилинишича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси хисобига савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга кўйиб, мазкур маблагни мадраса курилишига сарфлаган экан. Сарой Мулк хоним мадрасанинг курилиш жараёнида

тез-тез қурилиш майдонига келиб, устабоши ва иш бошқарувчиларга кўрсатмалар бериб турган. Ривоят қилинишича, мадраса қурилиши ниҳоясига ета бошлаган пайтда Сарой Мулк хоним одати бўйича ўз канизлари билан қурилиш майдонига келади ва устабошига бинонинг кам кўстлари ҳакида кўрсатмалар беради. Устабоши Сарой Мулк хонимнинг юзини кўрмаган бўлса-да, лекин унинг жозибали сўз оҳангларидан ниҳоятда оқила ва ўткир зеҳнли аёл эканлигига имони комил бўлади. Малика кетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига сифдиrolмай, хиссиёт галаба қилиб, атрофидаги усталарга:

—Ёпирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладиму? ... Хоним ҳакида шу кунгача эшитган барча таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси тўғри эркан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай нафосатга эга бўлсайди— деб, чукур уфтади.

Устабошининг соддадиллик билан айтган беғубор сўзлари тез орада қурилишдаги барча корфармою, уста ва мардикорлар орасида тарқалади. Бир-икки кун ўтгач, миш-мишлар болалаб, «нима дейсан устабоши хонимга ошиқ бўлиб қолган эмиш» деган сўзлар тарқаб кетади. Табийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хонимнинг канизакларидан бири қўлида рўмолга ўралган лаганчани устабошига узатаркан,— хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангта бўялган етти дона тухумни тановвул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму, ёхуд ҳар бирининг мазаси алоҳидаму, ушбуни фарқлаб бергайсиз. Жавобини эртага қиём пайтида эшитурмиз — деб қайтиб кетади. Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги тухумни ўз кўзи билан кўргач, хоним нимага шама қилаётганини тушуниб, чукур изтиробга чўмади.

Шу кунларда «Соҳибқирон Амир Темур навбатдаги юришдан қайтиб келаётгани, бугун-эрта Самарқандга етиб келиши» ҳакидаги овозалар тарқалади. Устабошининг кўз ўнги қоронгулашиб, қўли ишга бормай, ўз тақдир ҳакида ўйларкан, «миш-мишлар бошимга бало бўлди, ҳадемай соҳибқирон етиб келса, мени sog қўймас, жазога мустаҳиқ қилмоғи муқаррардур. Начора, тақдирни азалда битилғон эрканда. Аммо чиқмаган жондин умид, деганлар машойихлар, бу ердин қочмоқ чорасини изламоқ даркор. Дарвоқе, қочиб ҳам қаерга борғумдир. Пастга ҳам тушиб бўлмайдур, дарҳол тутуб зиндонга солурлар. Не қилмоқ керак?»

Устабоши ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келгач, шогирдини ёнига чақириб, уни ўз

режасидан воқиф қилади. Устабоши ўзига иккита қанот боғлаб, гумбаз устидан сакрайди. Қанот ёрдамида шахар четидаги яйловга шўнгийди. Аммо қўнишга улгурмай, боши билан ерга қадалиб, оламдан ўтади. У манзарани кузатиб турган шогирд «эҳ аттанд, устоз андак хатога йўл кўйибдурлар. Зеро, қанот билан бирга дум ҳам боғламоқ лозим эрди» — деб шогирд ўзига қанот ва дум боғлаб, гумбаздан яланглик томон парвоз қилади. Воеан шогирд дум ёрдамида сиҳат-саломат ялангликка қўниб, кўздан ғойиб бўлган экан. Шундан буён ҳалқ орасида «устадан шогирди ўзган», деган мақол қолган бўлса эҳтимол» деб Турғун Файзиев мақол этиологиясини ўқувчига ҳавола этади.

*Шогирд устоздан ўтар* деган мақол ростдан ҳам Сарой Мулк хонимдан қолганмикин? Бу тарихий шахсларни идеаллаштиришга кирмасмикин? Реал ҳаётда балки ҳакиқатга яқиндир. Бинони тўлиқ топширмагунча устани қурилиш майдонидан пастга туширмас, ҳатто оиласига ҳам рухсат берилмас, балки. Нима бўлганда ҳам устоз Турғун Файзиев хеч қаерда берилмаган маълумотни келтиради. Шунининг учун «устадан шогирди ўзган», деган мақол қолган бўлса эҳтимол» ини холисона қолдиради.

Яна машҳур аёллардан бири Бобурий малика Зебуннисо бегим ҳакида. Зебуннисо бегим (1639-1689) забардаст шоира, етук олим, танбур чертувчи уста созандা ва моҳир ҳаттот бўлган. Араб, форс тилларининг сарфу нахв (морфология ва синтаксис), фикъ (конуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштирган. У настаълик, насҳ ва шикаст ҳатларини зўр маҳорат билан ёзган. Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони, тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» номли асари бўлган. Тафсир соҳасида 769 варакли қўлёзмадан иборат «Заб ат-тафосир» (Гўзал тафсирлар) китобларини ёзган. Бундан ташқари, илоҳиётга оид «Зеб ан-нашаот» номли асар ёзиб, уни ўз устозига бағишилаган. Ҳиндистон мусулмонлари учун дастуруламал бўлиб қолган «Фатвойи Оламгирий» («Шариат қонунлари мажмуаси») номли асарни форс тилига таржима қилган таржимон олим эди [8; 278]. Зебуннисо бегим олий ҳимматли ва саҳоватли бўлган. У ўз замонансининг олимлари, шоирлари ва санъат аҳларига ғамхўрлик ва ҳомийлик қилган, илм-фан ривожига хисса кўшган. «Олами ислом» тазкирасида қайд этилган «Отаси Аврангзеб ҳукмдорлик билан қозонаолмаган шуҳратни, Зебуннисо бегим илм ва одоб билан кўлга киритди» ибораси фикримизнинг далилидир [8; 279]. Яна тарихдан

Нодирабегим, Увайсий, Махзуна каби шоираларни кўплаб келтиришимиз мумкинки, илм-фан равнақида уларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этган.

#### ХУЛОСА

Хозирги кунда ҳам аёлларнинг барча фан тармоқларида канчалар фаол иштирок этишаётгани-ю, қаламни кўлдан кўймаётгандеклари кафтда тургандек аён бўлади. Улар фаолиятининг бардавомлиги давлат ташкилотларида раҳбар лавозимида ишлаётган ва ўз вазифаларини аъло даражада адо этиш билан бирга, ижод қилаётган олима ва шоира, адибаларимизни кўриш кўзни

кувонтиради. Улар меҳрибон она бўлиш билан бирга, илм-фанга катта хисса кўшаётган, оиласхамиятда ҳам баб-баробар вазифаларини адо этаётган ҳазрати аёлдир. Мен шулар қаторида бугунги кун аёlinи олий таълим муассасаси раҳбар ва устозлари Дилором Ашуррова, Гуландом Бокиева, Гулчехра Рихсиева, Эльмира Муратова, Венера Каюмова, Каромат Муллахўжаева, Гулноз Халиева, Маргарита Галиева, Гули Эргашева, Шарифа Фаниева, Бегойим Холбековаларда кўраман. Шу билан бирга демоқчиманки, тарих давомчилари сифатида бугунги ёшлар авлод аждодларимизга лойик бўлишлари лозим ва жоиз деб биламан.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Annamaria Shimmel. “The lady is my soul”. Жонон менинг жонимда. Йўлдош Парда таржимаси. – Т.: Шарқ., 1999. – 172 б.
2. Beveridge, Anette Susannah. The Babur-nama in English. Emperor of Hindustan Babur. – London, 1921. – 880 р.
3. Захириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Шамсиев П, Мирзаев С. – Т.: Ўз ССР Фан нашриёти., 1960. – 514 б.
4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – 335 б.
5. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи, 2008. – 287.
6. Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Т.: Шарқ, 2017. – 744 б.
7. Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London., 1826. – 432 р.
8. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, Хазина., 1995. – 349 б.

## ДАРС ЖАРАЁНЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Толипов Н.А. – ЎзДЖТУ**

Ушбу мақолада дарс жараёнларида педагогик технологиялардан фойдаланишининг афзалликлари илмий жиҳатдан таҳлил этилди.

В данной статье анализируются научные эффективные использования педагогических технологий в учебном процессе.

*This article analyzes the scientific effective use of pedagogical technologies in the educational process.*

Бугунги кунда маъруза ва семинар машғулотларини ўтишда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш замон талабидир. Лекин презентация шаклида кўпчилик дарсларни олиб боради, бунинг ўзи дарс учун етарли эмас. Ушбу мақолада дарс жараёнларида педагогик технологиялардан фойдаланишининг афзалликлари илмий жиҳатдан таҳлил этилди.

**ФИКРЛАР ҲУЖУМИ.** Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш. Бу методдан мақсад мумкин қадар катта миқдордаги фояларни йигиши, талabalарни

айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнда дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишdir. Бу метод А.Ф.Особорн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қовдаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқкан гоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай луқмана ва ҳазил-мутобибани рағбатлантиришdir. Бу методдан фойдаланишининг мұваффакияти кўп жиҳатдан ўқитувчи - машғулот раҳбарига боғлик. «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

<b>Shorasulova A.I.</b> Turk tilida “vaqt” tushunchasining “belgi - xususiyat” bildiruvchi leksemalar yordamida ifodalanishi.....	220
<b>Tukhtaeva S.</b> Comment donner du sens a l'apprentissage du français et motiver les eleves pour qui la france est un pays lointain et inconnu de culture tres differente?.....	222
<b>Urmanova D.</b> Different approaches of teaching speaking skill for young learners.....	223
<b>Усаров И.К.</b> Эффективная методика обучения сложным предложениям смешанного типа в высшей школе.....	225
<b>Ўсаров И.К.</b> Қўшма гап катта лисоний белги (семиозис) сифатида ва унинг синтактик ва стилистик табиати.....	227
<b>Filimonova L.Yu.</b> Advantages and drawbacks of innovative translation methods .....	232
<b>Kholmurodova F.</b> English-language technique process.....	234
<b>Орехин-Рыжина В. А.</b> О методах работы с юмористическими текстами на занятиях по французскому языку.....	236
<b>Ортикова Д.О.</b> Малакали касб эгаларини тайёрлашда инновацион технологияларнинг ўрни.....	237
<b>Отакулов Н. Б.</b> “Ёш” мезуратив лексик ва фразеологик бирликларининг француз ва ўзбек тилларида қўлланилиши.....	239
<b>Рахматуллаева У.С. Абдурахманова Н.Д.</b> Современная педагогическая и инновационная технология на семинарских занятиях.....	242
<b>Рахматуллаева У.С.,Худайбергенова Г., Махаматова З.</b> Ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда инновацион ёндашувлар.....	244
<b>RaxmatullayevaU.S. Bekniyazova G.</b> Dars jarayonlarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan – debat va 6x6x6 usulidan foydalananish afzalliklari.....	246
<b>Рофисева Г.Ю.</b> Метафоранинг когнитив-семантик таснифи.....	248
<b>Ражабова С., Ходжаева М., Милюсупова У.</b> Франсуа мориакнинг «чилоналар чангалида» асарида қўлланилган иборалар хусусида.....	252
<b>Ruziboeva N.</b> L'actualité de l'utilisation de méthodes de projet et d'activité dans l'enseignement de langues étrangères.....	253
<b>Рузибаева Д.</b> Проблемная лекция как фактор успешного сотрудничества в обучении.....	256
<b>Урмонова Н.М.</b> «Человек, знающий язык – познаёт мир».....	257
<b>Umarova S.</b> La realite cognitive de la competence discursive.....	259
<b>Усмонов С.Ф.</b> Хозирги замон немис тилидаги публистистик матнларда стилистик воситаларнинг хусусиятлари .....	262
<b>Tadjibaeva M.</b> Expressing forms of addressing in translation of the novel “days gone by” (o`tgankunlar) by A.Kadiriy.....	265
<b>Тешабоева З.К.</b> Тарихий асарларда аёллар мавқеи, уларнинг номи билан боғлик ибора ва мақол хусусида.....	268
<b>Толипов Н.А.</b> Дарс жараёнларида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари.....	271
<b>Турланова С.</b> Применение когнитивного подхода в обучении иностранному языку.....	273
<b>Улашева Д.</b> Корпус лингвистикиси: лисоний корпус тушунчаси.....	275
<b>Ульджаева Да.</b> Роль компетентностного подхода в инновационном образовании. Актуальные задачи по воспитанию и укреплению идеологического иммунитета у молодого поколения.....	277
<b>Usarov I.K.</b> Composite(compound and complex) sentence theory. the problem of syndetic and asyndetic types of composite sentence.....	279
<b>Халматова Ш.</b> Сложные заимствованные имена существительные.....	284
<b>Ҳамроева Ҳ.</b> Э.Воҳидовнинг “Раққоса” шеъридаги бадий ифодалар.....	285
<b>Хасанова Ш. К.</b> Педагогнинг касбий ва коммуникатив компетентлигининг	